

## НЬЮ-ЙОРКЛИК ИММИГРАНТЛАР УЧУН РЕСУРСЛАР

### ИММИГРАЦИЯ МАҶОМИНГИЗДАН ҚАТЪИ-НАЗАР, НЬЮ-ЙОРК ШАҲРИ СИЗГА ЁРДАМ БЕРИШГА ТАЙЁР.



#### Иммиграция бўйича ҳуқуқий ёрдам

Иммиграция бўйича бепул ва хавфсиз ҳуқуқий ёрдам учун душанбадан жумагача соат 9 дан 18 гача **800-354-0365** рақамига мурожаат қилинг.



#### NYC ID картаси

Барча 10 ёш ва ундан юқори Нью-Йорк резидентлари учун IDNYC – бепул муниципал идентификация картасига ариза беринг. Онлайн янгиланг ёки **311 рақамига чақирив** ёки [nyc.gov/idnyc](http://nyc.gov/idnyc) веб-сайтига кириш орқали учрашув белгиланг.



#### Инглиз тили курслари

Исталган вақтда, исталган жойда **бепул инглиз тили** дарсларида қатнашинг Кўпроқ маълумот учун [wespeaknyc.cityofnewyork.us](http://wespeaknyc.cityofnewyork.us) манзилига киринг.



#### Соғлиқни сақлаш

**NYC Health + Hospitals (H+H)** H+H сизга фавқулодда ёрдам, асосий соғлиқни сақлаш хизматлари, текширувлар, вакцинация ва бошқа хизматларни тақдим этади. **Ўзингизга яқин марказга мурожаат қилиш учун 1-844-NYC-4NYC (1-844-692-4692) рақамига қўнғироқ қилинг.** Тиббий суғурта режалари, шу жумладан, **NYC Care** дастурига ариза бериш учун **646-NYC-CARE (646-692-2273) рақамига мурожаат қилинг** ёки [nyc.care](http://nyc.care) манзилига киринг.



#### Руҳий саломатлик

Руҳий саломатлик парвариши ва гиёхванд моддалар истеъмолига алоқадор маълумотлар учун махфий ёрдам ва мурожаат учун **888-692-9355** ёки **988 рақамига қўнғироқ қилинг**, **65173 рақамига WELL сўзини СМС қилиб юборинг** ёки [mentalhealthforall.nyc.gov](http://mentalhealthforall.nyc.gov) манзилига киринг.



#### Фавқулодда ҳолатлар

Фавқулодда ҳолатда **911** рақамига қўнғироқ қилинг. Фавқулодда ҳолат зудлик билан полиция, ўтичиш хизмати ёки тез-тиббий ёрдам талаб қилинадиган ҳолат. **Қонунга мувофиқ Нью-Йорк шаҳри полиция департаменти жиноят қурбонлари, гувоҳлар ёки ёрдам сўраган бошқа одамларнинг иммиграцион маҷомини сўраши мумкин эмас.**



#### Давлат таълими

4–21 ёш орасидаги барча Нью-Йорклик болалар давлат мактабига бориши мумкин. Ариза бериш учун [schools.nyc.gov/fwc](http://schools.nyc.gov/fwc) манзилига киринг ёки **311 рақамига мурожаат қилинг**.



#### Умумий шаҳар ресурслари ва маълумотлари

Шаҳар ресурсларидан фойдаланишни истайсизми ёки муаммо ҳақида хабар бермоқчимисиз? **311** рақамига мурожаат қилинг ёки [portal.311.nyc.gov](http://portal.311.nyc.gov) веб сайтига киринг.



#### Нью-Йорк шаҳри иммиграция масалалари бўйича ишонч телефони

Душанбадан жумагача соат 9 дан 17 гача **212-788-7654** ишонч телефонига қўнғироқ қилинг ёки [askmoia@cityhall.nyc.gov](mailto:askmoia@cityhall.nyc.gov) манзилига хабар юборинг.



Mayor's Office of  
Immigrant Affairs

Иммиграция масалалари  
бўйича мерофиси

## НЬЮ-ЙОРКЛИК ИММИГРАНТЛАР УЧУН РЕСУРСЛАР

### ИММИГРАЦИЯ МАҶОМИНГИЗДАН ҚАТЪИ-НАЗАР, СИЗНИНГ ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИНГИЗ БОР.

#### Иммиграция бўйича фирибгарликнинг олдини олиш

Иммиграция бўйича ҳуқуқий маслаҳат учун фақат лицензияли адвокат ёки аккредитациядан ўтган вакилга мурожаат қилинг. [nyc.gov/immigrants](http://nyc.gov/immigrants) манзилида аккредитациядан ўтган ва таниқли таъминотчилар рўйхатини топишингиз мумкин.

#### Иммиграция назорати бўйича ҳуқуқлар

Нью-Йорк шаҳри иммиграция назоратини юритмайди. Агар сизга федерал иммиграция назорати мурожаат қилса, сиз ўз ҳуқуқларингизга эгасиз. [nyc.gov/knowyourrights](http://nyc.gov/knowyourrights) манзилига киринг ёки **800-354-0365** рақамидаги иммиграция ҳуқуқий белул ишонч телефонига қўнғироқ қилинг.

#### Ишчиларнинг ҳуқуқлари

Сиз касаллик варақаси бўйича тўлов, минимал иш ҳақи, ортиқча ишлагани учун иш ҳақи ва Нью-Йорк шаҳри қонунига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эгасиз. Ресурслар учун [nyc.gov/workers](http://nyc.gov/workers) манзилига киринг ёки **212-436-0381** рақамига мурожаат қилинг.

#### Камситиш ҳақида хабар бериш

Нью-Йорк шаҳри инсон ҳуқуқлари қонунига асосан тажовуз ва камситиш ноқонуний ҳисобланади. Камситиш билан боғлиқ ноҳуш ҳодиса ҳақида хабар бериш учун **212-416-0197** рақамига мурожаат қилинг.

#### Оиладаги зўравонликка қарши ҳимоя

Сизга нисбатан қонунбузарлик ҳолати мавжуд бўлса, Нью-Йорк шаҳри сизга ёрдам беради. [nyc.gov/nychope](http://nyc.gov/nychope) манзилига киринг ёки **800-621-HOPE** рақамидаги Нью-Йорк шаҳри оиладаги зўравонлик бўйича ишонч телефонига қўнғироқ қилинг.

#### Ижаракининг ҳуқуқлари

Кўчиш ёки ижарага берувчига алоқадор масалалар бўйича ёрдам керакми? [nyc.gov/tenantprotection](http://nyc.gov/tenantprotection) манзилига киринг ёки **311** рақамига қўнғироқ қилинг ва белул ҳуқуқий ёрдам учун «**tenant helpline**» (ижараки учун ёрдам маркази) жумласини айтинг.

#### Бошпана ҳуқуқи

Агар бошпанангиз бўлмаса, бошпана сўраш ҳуқуқига эгасиз. Белгиланган Уйсизлар учун хизматлар департаменти (Department of Homeless Services, DHS) қабул қилиш марказига бориб, бошпана хизматларидан фойдаланинг. **311** рақамидан кўпроқ маълумот олинг.

#### Истеъмолчиларни ҳимоя қилиш

Бизнес билан муаммоларингиз борми? Истеъмолчи сифатида сизнинг ҳуқуқларингиз бор. [nyc.gov/consumers](http://nyc.gov/consumers) манзили орқали шикоят қилинг ёки **311** рақамига мурожаат қилинг.